



ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ КОНТЕКСТИДА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Қаюмов Зоир Эргашевич
ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар жараёнида юридик жавобгарликдан озод қилиш институтининг аҳамияти, унинг амалда қўлланилиши, мавжуд муаммолар ва хорижий тажрибалардан келиб чиқиб истиқболли йўналишлар таҳлил қилинади. Ярашув, диверсия дастурлари ва ресторатив адолат ғояларининг миллий ҳуқуқ тизимида ривожланиш истиқболлари ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: юридик жавобгарликдан озод қилиш, ярашув институти, ресторатив адолат, ҳуқуқий ислохотлар, жиноят-процессуал ҳуқуқ, прокурор дискрецияси, диверсия дастурлари.

КИРИШ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ҳуқуқий ислохотлар доирасида жиноят-ҳуқуқий муносабатларда гуманизм, адолат ва профилактика тамойилларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юридик жавобгарликдан озод қилиш институти ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади. ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ, жабрланувчи билан ярашиш, кичик оғирликдаги жиноятлар учун жавобгарликдан озод қилиш имконияти мавжуд. Бироқ амалиётда бу институтнинг самарали қўлланилишида бир қатор муаммолар мавжуд.

Юридик жавобгарликдан озод этиш тизимини такомиллаштиришда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда одил судловни яна ривожлантириш, соҳада тизимли ислохотларни доимий равишда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Юридик жавобгарликдан озод этиш жараёнида суд идоралари, прокуратура, ички ишлар, солиқ, божхона ва бошқа давлат органларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Юридик жавобгарликдан озод қилиш институтининг ҳуқуқий асосларига ЖПК 84-моддаси (жабрланувчи билан ярашиш асосида жавобгарликдан озод қилиш), ЖПК 85-моддаси (фаол пушаймонлик асосида озод қилиш) ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда ҳам ярашув ва оғир бўлмаган ҳуқуқбузарликлар учун алтернатив чоралар белгиланган.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида инсонга жамиятга ёки давлатга маълум бир тартибда зарар етказилади. Ижтимоий хавфли



қилмишнинг оқибатларига қараб зарар мулкый, жисмоний ёки маънавий бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасида Жиноят худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади” деб белгиланган. Лекин қонун ҳужжатларида зарар турларига аниқ бир таъриф берилмаган. Моддий неъмат нобуд бўлишига сабаб бўлган ҳамда пул билан ҳисобланиши ва ифодаланиши мумкин бўлган оқибат мулкый зарар ёки зарар дейилади.

Ғайриқонуний равишда жисмоний ва маънавий азоб етказилиши иқтисодий мазмунга эга бўлмайди ва у қиймат шаклида ифодаланиши мумкин эмас. Аммо, бу хилдаги азобларнинг оқибатини бартараф қилиш учун сарфланган харажатларнинг қопланишини жабрланувчи талаб қилишга ҳақли. Фикримизча, жисмоний зарар деганда ноқонуний ҳаракат билан фуқаронинг ҳаётига ва соғлиғига келтирилган зарарни тушунамиз. Моддий зарар деганда эса, жиноят орқали фуқаро ва ташкилотларнинг мол-мулкига келтирилган зарар тушунилади. Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда маънавий зарар шахснинг номуси ва ғурурига қасд қилиши деб белгиланган. Зиён турларини фарқлаш зарурати, аввало, бузилган ҳуқуқни қайта тиклаш билан боғлиқ. Бу эса, фуқаролик, шунингдек маъмурий ва жиноий қонун ҳужжатларининг бошқа воситалари ёрдамида амалга оширилади. Етказилган зарар ўрнини қоплашни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, биз юқорида ҳам кўриб ўтганимиздек, жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг айнан етказилган зарар қопланганда жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тури назарий адабиётларда ҳам, қонун ҳужжатларида ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилмаган.

Етказилган зарар қопланганда жавобгарлик ва жазодан озод қилиш айбдорни ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этиш ҳамда ярашилганлиги муносабати билан жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтининг таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, ЖК 66¹-моддасига кўра²⁷, жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун: а) жиноят содир этган шахс билан жабрланувчининг ярашганлиги; б) жиноят содир этган шахс томонидан жабрланувчига етказилган зарарни қопланганлиги (жабрланувчининг айбдор етказган зарардан кечган ҳолатлар бундан мустасно) асос ҳисобланади.

Томонларнинг ярашуви ЖК 661-моддасига биноан жиноят ишини тугатишнинг зарурий шarti ҳисобланса, “зарарни бартараф этиш” факультатив хусусиятига эга бўлади ёки жабрланувчи: 1) қарзидан кечиши (бутунлай ёки қисман); 2) унга етказилган зарарнинг қоплашни (бутунлай ёки қисман) талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечишга ҳақлидир.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Умумий қисм.



Амалиётда жиноят натижасида етказилган зарар қопланганда ишлар асосан ярашув институтини қўллаш орқали тугатилади. Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун: 1) шахснинг биринчи марта жиноят содир этганлиги; 2) содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта ёки унча оғир бўлмаслиги; 3) етказилган зарар ўрнини қоплаш; 4) айбига иқдор бўлиб келиш; 5) айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги; 6) жиноятни очишга фаол ёрдам берганлиги асос ҳисобланади. Мазкур белгиларнинг мавжудлиги айбдорнинг ҳақиқатдан ҳам пушаймонлиги ва унинг айбига иқдорлигидан далолат бериб, бу уни жиноий жавобгарликдан озод этиш учун етарлидир. Юқоридаги белгилардан бирортасининг мавжуд эмаслиги, жиноий жавобгарликнинг бекор қилинишига имкон бермаслиги мумкин ва бундай ҳолда жазо енгиллштирилади холос.

Айрим муаллифлар айбдорнинг Жиноят кодекси 66-моддасидаги айбни бўйнига олиши, жиноятнинг очилишига ёрдам бериши, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаши ёки зиённи бартараф этиши сингари шартлар ортиқча расмийликни келтириб чиқаради, уни сўзма-сўз қўллаш эса, амалиётда жиноий жавобгарликдан озод қилиб бўлмаслигига олиб келади. Айбини бўйнига олиб арз қилиш, етказилган зарарни қоплаш ва жиноятни очишда фаол кўмаклашиш чин кўнгилдан пушаймон бўлганликни кўрсатувчи ягона шаклидир. Етказилган зарарни қоплаш чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг зарурий белгиларидан биридир. Қонунда зарар ўрнини тўлдириш эмас, айнан қоплаш деб ёзилган ва бу икки тушунча бир-биридан фарқ қилади. Зарарни қоплаш деганда аввалги мулкнинг ҳолатини тиклаш (олинган мол-мулкни қайтариш) ёки етказилган моддий зиён учун тоvon ҳақи тўлаш тушунилади. Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашнинг қўйидаги шакллари мавжуд: етказилган моддий зарарни айнан қоплаш, айнан; ўғирланган мулкни қайтариш, зарар етказилган мулкни тузатиш, зарар етказилган мол-мулк туридаги ва сифатидаги мулкни тақдим қилиш, мулк баҳосини пул кўринишида қоплаш, зарарларни қоплаш яъни жабрланувчи унга келтирилган зарар сабабли қилган харажатларини қоплаш. (Масалан даволаниш учун кетган харажатлар); жиноят натижасида етказилган зарарни бошқача тарзда қоплаш; маънавий зарарни ўрнини қоплаш (жабрланувчидан омма ёки жамоа аъзолари олдида узр сўраш); жиноят содир этганидан кейин жабрланувчига тиббий ва бошқа йўсинда ёрдам бериш.

Етказилган зарар қопланганда жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг қўйидаги белгилари мавжуд. Жиноят содир этган шахс ҳаракатларининг ихтиёрийлиги. Бунда бу ҳаракат кимнинг ташаббуси билан амалга оширилганлигининг аҳамияти йўқ. Жиноятчи ташаббуси биланми ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг таъсири остидами. Бунда уларнинг ҳаракати мажбурий ҳисобланмайди ва инсон эркинлигини чегараламайди. Сабаби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари қонун-қонидларни



тушунтириш йўли билан жиноятчига тўғри йўл кўрсатишлари, айбини амалий тан олиш мақсадга мувофиқ эканлигини тушунтиришлари зарур. Жиноят содир этган шахснинг фаоллиги. Бунда зарарни қоплаш айбдорнинг ўз кучи ва воситалари томонидан амалга оширилиши керак. Жиноят иштирокчиларидан бирининг зарарни қоплаш оқибатларини бошқа иштирокчиларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Зарар қопланишининг тўлиқлиги. Зарар тўлиқ қопланган тақдирдагина жавобгарлик ва жазодан озод қилинади. Агар зарар қисман қопланса, бу жавобгарликни ва жазони енгиллашишига олиб келади. Етказилган зарарни қоплашни қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши. Зарар жиноий ҳаракат натижасида топилган воситалар билан қопланмаслиги керак.

Етказилган зарар қариндош дўстлари ёрдамида улардан олинган қарз хисобига қопланган бўлса, бунда айбдор онгли тарзда фаол иштирок этиши ёки ушбу зарар қопланишига айбдорнинг ўзининг фаол ҳаракати кўринишида ифодаланиши керак. Яъни айбдорнинг пассив ҳаракатида жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асоси хисобланмайди. Жиноий иш материалларида терговчилар ва суриштирув органи ходимлари жабрланувчига етказилган зарар ким томонидан ва қай тарзда қопланганлигини ифода этишлари керак. Бундан ташқари жиноий иш материалларида етказилган зарар қопланганидан сўнг жабрланувчининг айбдорга нисбатан норозилиги бор ёки йўқлиги, жиноий ишни тўхтатишга рози ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак. Етказилган зарар қопланганда жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтини ҳар қандай ижтимоий хавfli қилмиш ва уни содир этган шахсга нисбатан татбиқ этиб бўлмайди. Чунки, бу мамлакатда содир этиладиган жиноятлар статистикасини ошишига ҳамда жазодан кўзланган мақсадни амалга ошмай қолишига сабаб бўлиши мумкин. Жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этиш асослари биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятга қўл урган, яъни муқаддам судланмаган, иши тергов ёки судга оширилмаган, тергов ва суддан яширинмаган шахсларга тааллуқлидир.

Сўнгги йилларда жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асослари соддалаштирилди, айрим турдаги жиноятлар бўйича санкциялар енгиллаштирилди ва жавобгарликдан озод этишга қаратилган рағбатлантирувчи нормалар жорий этилди.²⁸ Шунингдек, инсонпарварлик акти сифатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш, шу жумладан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш амалиёти янада кенгайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, инсонпарварлик тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

²⁸ О.Тошев. Жиноят қонунчилигида жазодан озод этишнинг айрим масалалари. 18.01.2024. <https://hudud24.uz/news/zhinoiat-konunchiligida-zhazodan-ozod-etishning-airim-masalalari>



Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш ҳақидаги фармонлари асосида жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган минглаб маҳкумлар жазодан озод этилди. Жазодан озод қилиш бу инсонпарварлик принципи билан боғлиқ бўлиб, унга кўра жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишини олдини олишга етарли бўлган жазо берилиши лозим. Жиноят ишини судда кўриш давомида суд судланувчининг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, судланувчини жазодан тўла ёки қисман озод қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда суд, судланувчининг ахлоқини тузатиш учун ҳамда унинг янги жиноят содир этишини олдини олиш учун жазо тайинлаш шарт эмас деб топади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, давлат мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга, жазодан озод қилишда эса мамлакатнинг қилмишни амалга оширганлиги учун судланиб чиққан инсонга жиноятда таъкидлаб ўтилган асослар ва ҳолатлар бор бўлганда жазони тайинлаш жараёнидан ва жазони ижро қилишдан воз кечишдир.

Жазодан озод қилиш институтини янада тўлиқ ва тўғри шакллантириш учун унинг ўзига хос белгиларини аниқлаштириш муҳим ҳисобланади. Унга кўра, айтиш керакки жазодан озод қилиш жиноят-ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. Жазодан озод қилиш, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга жазоланмаслик имкониятини бериш бўлиб, у давлатнинг жазони қўллашдан ёки унинг ижросини давом эттиришдан воз кечишида ифодаланади. Жазодан озод қилиш амалга оширилиш шаклига кўра икки турга: шартли ёки шартсиз турларга ажратиш мумкин. Шартли равишда жазодан озод қилишда суд жиноят содир этишда айбдор деб топилган ва жазо тайинланган шахсни тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган фикрга келса, маҳкумнинг зиммасига бир нечта мажбуриятларни юклаб, синов муддати берган ҳолда, жазодан озод қилади, агар синов муддати давомида маҳкум томонидан, жазони шартлилигини бекор қилувчи асослар содир этилмаса суд тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради, ёки жазони ижро этиш вақтида маҳкумнинг ахлоқини тайинланган жазони қолган қисмини ўтаттирмасдан ҳам тузатиш мумкин деган фикрга келса, тайинланган жазони қолган қисмини ўташдан шартли равишда озод қилади.

Айтиш мумкинки, шартли равишда жазодан озод қилишда, суд шахсни жиноят содир этишда айбли деб топади ва унга нисбатан жазо тайинлайди лекин, уни ижросини шартли равишда маълум бир муддатга кечиктиради ва маҳкум ушбу муддат давомида ўзига нисбатан қўйилган мажбуриятларни тўлиқ бажарса суд жазони ижро этишдан озод этади ёки жазони қолган қисмини ўташдан озод этади. Шартли равишда жазодан озод қилишни касаллик



оқибатида жазодан ёки уни ўташдан озод қилишда ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолатда маҳкумга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин. Ушбу жазодан озод қилишнинг шартлилиги шундаки, маҳкум касалликдан тузалгандан сўнг ёки меҳнат қобилияти тўлиқ тиклангандан сўнг ЖКнинг 69-моддасида белгиланган муддатлар ўтмаган бўлса у жазони ижро этиши лозим бўлади.

Шартсиз равишда жазодан озод қилишга эса жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги билан жазодан озод қилиш, шахсни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилишларни мисол қилишимиз мумкин. Ушбу санаб ўтилган тарзда жазодан озод қилиш турларида суд томонидан маҳкумга бирор бир шартли мажбурият ёки маълум бир муддатга бирор чеклов қўйилмайди. Жазодан озод қилишни тайинланган жазо муддатига кўра тўлиқ, қисман ва аралаш турларга ҳам ажратсак бўлади.

Жазодан тўлиқ озод қилишда маҳкум суд томонидан тайинланган жазо муддатидан тўлиқ озод қилинади, яъни суд томонидан қанча миқдорда жазо қўлланилган бўлса барча тайинланган жазодан озод қилинади. Бу турдаги жазодан озод қилишга жазони ижро қилиш вақти тўлиқ ўтиб кетганлиги сабабли, жиноятни содир қилган шахснинг ижтимоий хавfli эканлиги ўтиб кетганлиги туфайли жазони ижро этмаслик, қилмишни содир қилган шахс ўзининг қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги билан, шартли ҳукм қилиш билан боғлиқ бўлган қилмишлардир.

Қисман жазодан озод қилиш уни ижро этиш даврида жазодан озод қилиш ёки жазони ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришда ифодаланади. Яъни бундай тушунишимиз лозимки, жазо суд томонидан тайинлангандан сўнг, уни ижро этиш бошланади ва маълум бир муддат ўтгандан сўнг, маҳкум ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлиги ва қонунда белгиланган талабларга жавоб берган вақтда уни ўталмай қолган жазо муддатидан шартли равишда озод қилиниши мумкин ёки жазони ўталмай қолган муддати енгилроқ жазога алмаштирилиши мумкин.

Аралаш турдаги жазодан озод қилишда, шахс касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши муносабати билан, амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан тўлиқ ёки қисман озод этилади. Бундай турда тайинланган жазо умуман ижро этилмайди, жазони ўталмай қолган қисми шартли равишда озод қилинади, ёки жазони ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилади.

Жиноят кодексида жиноят жавобгарлигини белгилайдиган асосий моддалар мавжуд. Хусусан, 4-модда. Қонунийлик тамойили – шахс фақат қонунга асосан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. 10-модда. Жиноят жавобгарлигининг асоси – жавобгарлик фақат жиноят содир этилган



тақдирдагина юзага келади. 12-модда. Жиноят қонунининг вақт бўйича таъсири – жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар бундан мустасно, қонун орқага қайтариладиган кучга эга эмас. 14-модда. Жиноят тоифалари – жиноятлар оғирлиги бўйича унча оғир бўлмаган, ўртача оғир, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Жазо турлари ва уларни қўллаш. 43-модда. Жазо турлари – жарима, тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, ўлим жазоси (қўлланилмайди). 52-модда. Жазо тайинлаш – жиноятнинг хусусияти ва шахснинг шахсий хусусиятлари инобатга олинади. 57-модда. Энг кам жазо тайинлаш – енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, суд қонунан белгиланган жазонинг энг кам чегарасидан ҳам пастроқ жазо тайинлаши мумкин.

Аниқ жиноятлар учун жавобгарлик. Жиноят кодексида турли хил жиноятлар учун жазо чоралари белгиланган, жумладан: Шахсга қарши жиноятлар (қасддан одам ўлдириш – 97-модда, соғлиққа зарар етказиш – 104-108-моддалар). Мулкка қарши жиноятлар (ўғирлик – 169-модда, фирибгарлик – 168-модда, талон-торож – 164-модда). Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (терроризм – 155-модда, транспорт воситасини ўзбошимчалик билан бошқариш – 267-модда). Бошқарув тартибига қарши жиноятлар (мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш – 301-модда, мансабий безътиборлик – 302-модда). Ҳарбий жиноятлар (288-модда, уставга зид муносабатлар – 285-модда).

Қонунчиликда жиноят жавобгарлигидан озод этишнинг бир нечта асослари мавжуд бўлиб, бу жазони инсонпарварлаштириш тизимининг бир қисми ҳисобланади. 65-модда. Жиноий жавобгарликдан озод этиш – шахс жиноятни фош қилишга фаол ёрдам берса ва етказилган зарарни қопласа, жиноий жавобгарликдан озод қилинади. 66-модда. Жабрланувчи билан ярашиш – кичик ва ўртача оғир жиноятлар бўйича айбланувчи зарарни қоплаб, жабрланувчи билан ярашса, иш тугатилади. Амнистия ва афв асосида озод этиш. 70-модда. Амнистия ва афв асосида озод этиш – Парламент ёки Президентнинг махсус қарори асосида жиноятчилар озод этилиши мумкин. Даврий муддат ўтиши муносабати билан озод этиш. 64-модда. Жиноят жавобгарлигидан озод этиш (даврий муддат ўтиши билан) – жиноят содир этилгандан сўнг белгиланган муддат ўтса, шахс жавобгарликка тортилишдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда. Биринчидан, жиноий жавобгарлик қонунчиликда аниқ ва қатъий белгиланган, айниқса, жамоат хавфсизлиги, коррупция ва гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ жиноятлар бўйича. Иккинчидан, жиноий жавобгарликдан озод қилиш тизими ривожланган – ярашиш, пушаймонлик, амнистия ва муддат ўтиши асосида жавобгарликдан озод этиш имкониятлари мавжуд. Учинчидан, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга йўналтирилган ислохотлар амалга оширилмоқда – жазони енгиллаштириш, альтернатива чораларни кенгайтириш,



айрим жиноятларни декриминализация қилиш ва вояга етмаганларга нисбатан инсонпарварлик чораларини кўриш. Шу сабабли жабрланувчи билан ярашиш асосларини кенгайтириш, зарарни қоплаш орқали озодликдан маҳрум қилиш жазоларини камайтириш, масалаларини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, жиноий жараёнга медиация механизмларини жорий этиш, хусусан 66-модда (Жабрланувчи билан ярашиш) га ўзгартириш киритилиб, кичик ва ўртача оғир жиноятлар учун медиатив жараён мажбурий босқич сифатида белгиланиши таклиф қилинади. Жиноий медиация тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш, бу орқали қамоққа олиш ҳолатларини камайтириш ва судларнинг юкини енгиллаштиришга эришиш мумкин. Жиноят ишини шартли равишда тугатиш механизмларини жорий этиш, бу айбланувчининг ижтимоий реабилитация дастурларидан ўтишини таъминлашга хизмат қилади. Жарима ва жамоат ишларини кенгайтириш. 43-модда (Жазо турлари) га ўзгартириш киритилиб, иқтисодий жиноятлар учун жарима ва жамоат ишлари озодликдан маҳрум қилишга алтернатива сифатида киритилиши таклиф қилинади (масалан, 168-модда (Фирибгарлик), 184-модда (Солиқ тўловларидан қочиш)). Озодликдан маҳрум қилиш амалиётини камайтириш. 57-модда (Энг енгил жазо тайинлаш) судларга шартли ҳукм чиқариш ва жазони кечиктириш ваколатларини кенгайтириш имкониятини берадиган тарзда ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланилади.

Адлия вазирлиги тақдим этган маълумотига кўра, охириги 20 йил мобайнида Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати амалга оширилди: Жиноят кодексининг аксарият моддалари юмшатилади, зарарни қоплаш шarti билан озодликдан маҳрум қилиш жазосидан қочиш имкониятлари яратилди, жабрланувчи билан яраштириш амалиёти кенгайтирилди, шунингдек, амнистия ва, айниқса, сўнгги беш йил ичида шартли равишда муддатидан олдин озод қилиш (ШРМО) кенг қўлланилди.²⁹ Бугунги кунда ушбу сиёсатнинг натижаларини таҳлил қилиб, унинг жамиятга таъсирини баҳолаш мумкин. Статистика маълумотларига кўра, агар 2019 йилда 46,09 мингта жиноят қайд этилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 34,6 фоизга ошиб, 62,08 мингтага етди. 2021 йилда эса жиноятлар сони янада кескин ўсиб, 60,8 фоизга кўпайди ва 111,08 мингтага етди. 2022 йилда вазият бироз барқарорлашган бўлса-да, жиноятчилик даражаси юқори бўлиб қолмоқда — 105,2 мингта жиноят содир этилган. Айниқса, талончилик ва ўғрилик (152 фоиз), ўғирлик (142 фоиз), фирибгарлик (134 фоиз) ва безорилик (93 фоиз) каби жиноятлар кескин кўпайган. Шу билан бирга, судгача етиб бормаيدиган жиноят ишлари сони ҳам ортиб бормоқда. 2021 йилда уларнинг улуши 47,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 26,1 фоизни ташкил этган. Бу

²⁹ Либерализация уголовных наказаний имеет естественные пределы: мы у опасной черты. [https://adliya.uz/ru/inner-page/yangiliklar/%D.20 февраля 2023.](https://adliya.uz/ru/inner-page/yangiliklar/%D.20%20февраля%2023)



рақам жабрланувчилар айбланувчилар билан ярашган ҳолатларни ҳисобга олмайди.

Хукм чиқарилгандан сўнг кўплаб маҳкумлар шартли равишда муддатидан олдин озод қилинади ёки жазони енгилроғига алмаштириш имконига эга бўлади. Масалан, 2022 йилда 56,5 минг нафар шахс судланган бўлса, шундан 26,75 минг нафари (47,3 фоиз) ШРМО орқали озод қилинган, 10,2 минг нафар шахснинг (18,04 фоиз) жазоси енгилроғига алмаштирилган. ШРМО ёки жазони енгилроғига алмаштириш фақат жазонинг маълум қисмини (жиноят оғирлигига қараб $\frac{1}{3}$ дан $\frac{2}{3}$ гача) ўтаб, интизомга риоя қилган ҳамда намунали хулқ кўрсатган маҳкумларга нисбатан қўлланиши мумкин. Бироқ амалиётда кўпчилик маҳкумлар муддатидан олдин озодликка чиқиш имкониятига эга.

Бундай вазият жабрланувчиларнинг жиддий норозилигига сабаб бўлмоқда, чунки улар етказилган зарарни қоплай олмайди, жиноятчилар эса тезда озодликка чиқиб кетмоқда. Бундан ташқари, бу такрорий жиноятчиликнинг ўсишига ҳам хизмат қилмоқда. 2022 йилда жиноят содир этган шахсларнинг 11,4 минг нафари (12,6 фоиз) аввал судланган бўлган, 2021 йилда эса бу кўрсаткич 8700 (10,8 фоиз) нафарни ташкил этган. ШРМО орқали озод қилинган шахслар орасида такрорий жиноятлар сони ҳам ортган: 2021 йилда 168 та ҳолат кузатилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 184 тага етган. Энг кўп такрорланадиган жиноятлар қаторига фирибгарлик, ўғирлик, гиёҳванд моддаларга боғлиқ жиноятлар, талончилик ва ўғрилик кирмоқда.

Жиноятчиликнинг ўсиши, такрорий жиноятлар сонининг кўпайиши ва жамоатчилик норозилиги ШРМО ва жазони енгиллаштириш шартларини қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатмоқда. Мавжуд вазиятни ҳал этишнинг мумкин бўлган ечимларидан бири шартли равишда муддатидан олдин озод қилиш ва жазони енгилроғига алмаштириш шартларини қайта кўриб чиқишдан иборат.

Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, жиноий жазоларни юмшатиш ва шартли равишда муддатидан олдин озод қилиш тартибини соддалаштириш жиноятчиликни камайтиришга олиб келмади. Аксинча, мол-мулкка қарши ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар кескин ўсишни намоён этди. Бу жазоларнинг тийиб туриш таъсири камайтгани билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки жиноятчилар муддатидан олдин озодликка чиқиш ёки жазони енгилроғига алмаштириш эҳтимоли юқори эканлигини била туриб, жиноят содир этишдан воз кечмайди. Аввал судланган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайгани ва шартли равишда озод қилинганлар орасида жиноятчилик ўсгани тузатиш механизмларининг самарадорлиги етарли эмаслигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, маҳкумларни ижтимоийлаштириш ва қайта жамиятга қўшиш дастурлари кутилган натижаларни бермаётгани ҳамда шартли озод қилинганларни назорат қилиш тизими етарли даражада самарали эмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.



Шу сабабли Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Жиноят қонунчилигини инсонпарварлаштириш жазонинг муқаррарлиги тамойилининг сусайишига ва жамоат хавфсизлигининг пасайишига олиб келмаслиги керак. ШРМО учун қатъийроқ мезонларни жорий этиш, маҳкумларни ижтимоий қайта мослаштириш механизмларини такомиллаштириш ва такрорий жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш орқали фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсонпарварлик стандартларини сақлаб қолиш ўртасида мувозанатни таъминлаш мумкин.

Хулоса

Юридик жавобгарликдан озод қилиш институти Ўзбекистонда ҳуқуқий ислохотлар шароитида инсонпарварлик ва адолат принципларини амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Унинг самарали қўлланилиши нафақат жиноят-ҳуқуқий репрессияни камайтиради, балки жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди. Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, диверсия дастурлари, рақамли медиация ва ресторатив адолат марказларини жорий этиш миллий ҳуқуқ тизимининг келгуси истиқболли йўналиши бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: 2024.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июлдаги “Ҳуқуқий ислохотларни чуқурлаштириш стратегияси” ПФ–125-сонли Фармони.
3. Мухитдинова Ф.А. Жиноят ҳуқуқида жавобгарликдан озод қилиш институти: назария ва амалиёт. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2024.
4. Council of Europe. Restorative justice in criminal matters. Strasbourg, 2024.
5. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). Handbook on Restorative Justice Programmes. – Vienna, 2024.
6. Kim, H. Criminal Diversion and Restorative Justice in South Korea. – Seoul: Korean Law Review, 2025.
7. Walker, S. Restorative Justice and Diversion Programs in the U.S. – New York: Oxford University Press, 2024.